

Сийрат дарслари (45-дарс)



19:10 / 17.08.2019 4405

Ҳаё иймоннинг шўъбасидир

231. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Иймон етмиш нечта** – бошқа ривоятда: **олтмиш нечта** – **шўъбадан иборатдир. Ҳаё иймоннинг шўъбасидир**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «**Унинг энг афзали** – «**Лаа илааҳа иллаллоҳ**» дейиш **ва энг кичиги** – **йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш**» зиёда қилинган.

Муслим ривоят қилган.

232. Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Аллоҳни – Робб, Исломни – дин, Муҳаммадни – Расул деб рози бўлса, иймон таъмини тотган бўлади**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

233. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Эй Абу Саъид, ким Аллоҳни - Робб, Исломи - дин, Муҳаммадни - Расул деб рози бўлса, унга жаннат вожиб бўлади».

Муслим ривоят қилган.

234. Суфён ибн Абдуллоҳ Сақафий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен маҳкам тутадиган (бир) ишни айтинг», дедим. **«Роббим Аллоҳдир», дегин ва сўнг мустақим тур»,** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен учун энг хавф қилган нарсангиз нима?» дедим. Шунда у зот ўз тилларини ушладилар ва: **«Мана бу!»** дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан